Аёл киши асло икки кунлик масофага эрисиз ёки маҳрамсиз сафар қилмасин!

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўн иккита ғазотта қатнашган Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳу айтадилар: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги тўртта нарсани эшитдим ва улар мени ажаблантирди: «Аёл киши асло икки кунлик масофага эрисиз ёки маҳрамсиз сафар қилмасин! Фитр ва Қурбон ҳайитлари куни рўза йўқ! Бомдод намозидан сўнг қуёш чиққунча, асрдан кийин шомгача намоз ўқилмайди. Зиёрат учун фақат учта масжидга борилади: «Масжид Ал-Ҳаром, Масжид Ал-Ақсо ва менинг бу масжидим», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўртта нарсадан қайтардилар. Биринчи: Аёл кишини икки кунлик узоқликдаги жойга эри ёки маҳрамисиз сафар қилишини ман қилдилар. Аёл кишининг абадий маҳрами - ўғли, отаси, акаси ёки опасининг ўғли, амакиси, тоғаси ва шу каби яқинларидир. Иккинчи: Фитр ва Қурбон ҳайити кунлари рўза тутишдан қайтардилар. У рўза назр, нафл ёки каффорат бўлишидан қатъий назар ҳаромдир. Учинчи: Бомдоддан кегин қуёш чиққунча, асрдан кегин кун ботгунича нафл намоздан қайтардилар. Тўртинчи: Уч масжиддан ташқари бошқа жойга фазилати ва бошқа масжидларга қараганда кўпроқ савоб олиш умидида намоз ўқиш учун сафар қилишдан қайтардилар. Масжид Ал-Ҳаром, Масжид Ан-Набавий ва Масжид Ал-Ақсо ўша уч масжиддир.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/10603